

**“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори ўринбосари**  
**Ж. Мирсаидовнинг “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда қонунчиликнинг аҳамияти ва ўрни” мавзусида ташкил этилган Давра суҳбатида қилган маърузаси.**

Бугунги давра суҳбати иштирокчиларига “Ўзстандарт” агентлиги томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланишида “Стандартлаштириш”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш”, “Техник тартибга солиш” ва “Мувофиқликни баҳолаш” тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишига тўхталиб ўтсам.

Бугунги кунда агентлик томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари устидан икки турдаги назорат амалга оширилади:

- **биринчиси, бу давлат назорати;**

- **иккинчиси сертификатлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари устидан инспекция назорати билан амалга оширилади.**

Давлат назоратини амалга ошириш “Стандартлаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Техник тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларимиз асосида амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва уни сотишда хўжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга ва техник тартибга солиш тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини “Ўзстандарт” агентлиги ва унинг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Маҳсулотлар стандартларнинг мажбурий талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати амалга ошириш учун, “Ўзстандарт” агентлиги таркибида **14 та** Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари фаолият кўрсатади.

Давлат назорати, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан амалга оширилиб, агентликнинг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари томонидан ўтган 2015 йил ва 2016 йилнинг 1 июнь кунига қадар, **48 та** озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи тадбиркорлик субъектларида стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларини бажарилиши ҳамда метрология ва сертификатлаштириш қондилари устидан давлат назорати ўтказилган.

Ўтказилган давлат назорати текширувларда **153** турдаги озиқ-овқат маҳсулотлар сифати ва хавфсизлиги синовлардан ўтказилиб, шундан **21** (14%) турдаги маҳсулотлар амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқ деб топилган.

Давлат назоратида асосий учрайдиган камчиликлар бу:

- корхоналарда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлар стандартлар билан таъминланмаганлиги;

- танлаб олинган ва синовдан ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари стандартларда белгиланган физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича номувофиқлиги;

- ёрликланиши ва қадоқланиши, жумладан ишлаб чиқариш санасини кўрсатилмаганлиги;

- сақлаш шароитларига номувофиқлиги;

- сақлаш шароитларини назорат қилиб бориш учун ўлчов воситалари билан таъминланмаганлиги;

- мувофиқлик сертификатисиз ишлаб чиқарилиши ва сотилиши ҳолатлари тизимли учраб бормоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган текширувларда жами **3743 дона** ўлчов воситаларидан **371 (10%) донаси** қиёсланмаган ҳолда яроқсиз ҳолатда фойдаланиб келинаётганлиги аниқланган.

Ўтказилган текширув натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи тадбиркорлик субъектларига **20** мартаба камчиликларни бартараф этиш, **2 та** ҳолатда номувофиқ бўлган маҳсулотларни сотилишини таъқиқлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган.

**51 та** мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан **10 628,4 минг сўмни** маъмурий жарималар қўлланилган. Бу борада, мансабдор шахсларнинг маъсулиятини ошириш учун жарима қийматни ошириш мақсадли бўларди.

Ҳозирги кунда камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга Маъмурий кодекснинг 212 модда, яъни стандарт талаблари бузилганлиги учун қўлланилмоқда. Лекин 2016 йил 1 июнь ҳолатига 13 та техник регламент қабул қилинган бўлиб, **агентлик томонидан маъмурий кодекснинг шу моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича ишлар кечиктирилмоқда.**

Мухтарам Президентимиз томонларидан, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида давлат назорати текширувлари йилдан йилга қисқариб бормоқда.

Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг 2015 йилдаги ПФ-4725 сонли фармонида мувофиқ тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш белгиланган.

Бу борада, тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган режали текширишлар давомида аниқланган камчиликларни олдини олиш мақсадида агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан Профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган 2015 йил давомида агентлик томонидан **7097 та** ва жорий йилнинг июнь ойи қадар **10632 та** корхонада профилактика ишлари ўтказилди.

Олиб борилган профилакти ишлари натижасида 2015 йилда **1417 та** ва жорий йилнинг июнь ойига қадар **965 та** хато ва камчиликнинг олди олинди.

Шу билан бирга ўтган 2015 йил мобайнида **10632 та** ва жорий йилнинг июнь ойига қадар **4023 та** тадбиркорлик субъектларига консултив хизматлар кўрсатилди.

Шунингдек, ўтган 2015 йилда жойларда **223** мартаба (2016 йилнинг июнь ойига қадар **125** мартаба) “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилган бўлиб, **1139** нафар (2016 йилнинг июнь ойига қадар **1** нафар) тадбиркорлик субъектларининг **829** тасига (2016 йилнинг июнь ойига қадар **2** тасига) сохага оид муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам берилди.

### **Иккинчидан,**

“Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни билан маҳсулотларни, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш ва инспекция назоратини ўтказиш тартибга солинган.

Шу билан бирга мувофиқликни баҳолаш ишлари (сертификатлаштириш, махсулотларни синаш) "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинган.

Мазкур қонунларнинг ижросини таъминлашда, ҳамда республикада озиқ-овқат махсулотларини сертификатлаштириш ва синовини ўтказиш мақсадида ушбу мувофиқликни баҳолаш идораларига давлат стандарти билан талаблар ўрнатилди, **шундан:**

- синов лабораториялари учун О'з ДСт ISO/IEC 17025 "Синов ва калибрлаш лабораториялар ваколатига умумий талаблар";
- сертификатлаштириш идоралари учун О'з ДСт ISO/IEC 17065 "Сертификатлаштириш органларига умумий талаблар".

Бугунги кунда республикада О'з ДСт ISO/IEC 17025 стандарти талаблари бўйича **118 та** озиқ-овқат махсулотларини синов лабораториялари аккредитация қилинган, **шундан:**

- **5 та (4%)** Бош давлат ветеринария бошқармаси хизматига тегишли;
- **1 (0,8%) та** Давлат Бош ўсимликлар карантинининг марказий лабораторияси;
- **36 та (32%)** Давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг комплекс синов лабораториялари ва **77 та (65%)** "Ўзстандарт" агентлиги ва хусусий сектор синов лабораториялари.

Шунингдек, озиқ-овқат махсулотларини сертификатлаштириш бўйича республикада **45 та** сертификатлаштириш идоралари фаолият юритади.

Ушбу идоралар томонидан 2015 йил давомида **28611 та** мувофиқлик сертификати озиқ-овқат махсулотларига расмийлаштирилган, улардан **5100 та** мувофиқлик сертификати устидан инспекция назорати ўтказилди, шундан **830 та (16%)** мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддатлари тухтатилган ва **690 та (13%)** бекор қилинган.

Жорий йил 1 май ҳолатига сертификатлаштириш идоралари томонидан **8 601 та** мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган бўлиб, улардан **1471 та** инспекция назорати ўтказилди, шундан **260 та (17%)** мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддатлари тухтатилган ва **160 та (11%)** бекор қилинган.

Инспекция назорати жараёнида аниқланган камчиликларнинг сабаби, бу:

- озиқ-овқат махсулотларини нотўғри ёрлиқланиши;
- сақлаш қойдаларини бузилиши;
- технологик жараёнларни бузилиши ва корхонага кириб келаётган хом-ашёларни назоратсиз қолидириш каби камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, синов лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижасида 2015 йил давомида **1 млрд. 488 млн.** сўмлик озиқ-овқат масулоти яроқсиз деб топилган, 2016 йил 1 май ҳолатига ушбу кўрсаткич **144 млн.** сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, республикада фаолият юритувчи сертификатлаштириш идораларининг ва синов лабораторияларининг **компетентлигини** баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Мувофиқликни баҳолаш" Қонуни билан Миллий аккредитация тизими ташкил этилди.

Қонун ижросини юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 292-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан, синов лабораториялари ва

сертификатлаштириш идораларини аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратидан ўтказиш тартиби тасдиқланди.

2015-2016 йиллар давомида **118 та** озиқ-овқат маҳсулотларинисинаш лабораторияларида инспекция назорати ўтказилган, шундан **83 та (70%)** синов лабораторияларнинг фаолияти тасдиқланди, **24 та (20%)** лабораториянинг фаолияти 10 иш кунга тўхтатилди, **5 та (4%)** лабораторияни фаолияти суд орқали тўхтатилди ва **6 та (5%)** лабораторияни аккредитацияси гувоҳномаси бекор қилинди.

Инспекция назоратида аниқланган камчиликлар, **бу асосан:**

- синаш ишларида муддати ўтган прекурсорлардан фойдаланиши;
- синов шароитлари тўлиқ таъминламаганлиги;
- намуналарни сақлаш қойдаларига риоя этилмаслиги;
- синаш ускуналарини метрологик таъминотдан ўтказилмаганлиги ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган кўрсаткичлар бўйича тўлиқ синов ўтказилмаслик ҳолатлари.

Шунингдек, республикада ички маҳсулотларни хавфсизлигини, сифатини ва рақобатбардошлигини янада ошириш, ҳамда синов натижаларини ҳалқаро даражада тан олинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 ноябрдаги 298-сонли Қарори билан Миллий сифат инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастурга мувофиқ, 2015-2016 йилларда озиқ-овқат маҳсулотларинисинаш лабораториялари томонидан умумий қиймати **5 млрд.** сўмга яқин ўлчов воситалари ва синов ускуналари харид қилинди ва ишга туширилди. Шу жумладан, ветеринария лабораториялари томонидан **44,5 млн.сўмлик**, Давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг комплекс синов лабораториялари томонидан **2 млрд. 632 млн.**, “Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги лабораториялар томонидан **1 млрд. 100 млн.** ва хусусий сектор лабораториялари томонидан **1 млрд. 23 млн.** сўмлик синов ускуналари ва ўлчов воситалари харид қилинди. **Карантин лабораториялари томонидан қайта жиҳозланиш ўтказилмади.**

Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларини синов натижаларини ҳалқаро даражада тан олинишини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонасининг озиқ-овқат маҳсулотларини синаш лабораторияси, Туркия аккредитация идораси (ТуркАк) томонидан ҳалқаро аккредитациядан ўтказилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан мувофиқликни баҳолаш ишлари, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу қонунда мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитация ўтиши белгиланган.

Бироқ, ҳозирги кунда ветеринария **гувоҳномалари** ва фитосанитария **сертификатларини** расмийлаштириш ишлари аккредитацияланмаган синов лабораториялари томонидан амалга оширилаётгани юқоридаги қонуннинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Алоҳида шуни айтиш лозимки, аккредитация қилинган ветеринария лабораториялари фақатгина Тошкент ва Сурхандарё вилоятларида ташкил этилган, қолган вилоятларда эса аккредитация қилинган ветеринария лабораториялари мавжуд эмас.

**Юқоридагилардан келиб чиққан холда, қуйидагилар таклиф этилади:**

**Биринчидан**, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 212 моддасига техник регламентлар талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик масаласида Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни 2017 йил режасига киритиш бўйича ишларни олиб боришимиз лозим.

Шу билан бирга, мансабдор шахсларни стандартлаштириш қоидаларини бузгалиги учун белгиланган жарима миқдорини, энг кам иш ҳақини 50 баробаригача кўтариш.

**Иккинчидан**, “Мувофиқликни баҳолаш” қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

худудий ветеринария ва республика карантин лабораторияларини ўрнатилган тартибда аккредитация қилиш бўйича тармоқ жадвалларини “Ўзстандарт” агентлиги билан тасдиқлаш ва белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш;

ушбу лабораторияларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларини бажаришимиз мақсадга мувофиқ бўлади